

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕКЧАНОВ ЗОКИРЖОН БОТИРОВИЧ

**БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ҚАНДАЛАЛАР ТУРКУМИГА
КИРУВЧИ ЗАРАРЛИ ХАСВАДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ**

06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Бекчанов Зокиржон Ботирович

Бошоқли дон экинларини қандалалар туркумига кирувчи зарарли ҳасвадан ҳимоя қилиш чоралари 3

Бекчанов Зокиржон Ботирович

Меры защиты зерно-колосовых культур от вредной черепашки входящий в состав отряда клопов..... 21

Bekchanov Zokirjon Botirovich

Protection measures for cereal crops from sunn pest that belong to the order of true bugs 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕКЧАНОВ ЗОКИРЖОН БОТИРОВИЧ

**БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ҚАНДАЛАЛАР ТУРКУМИГА
КИРУВЧИ ЗАРАРЛИ ХАСВАДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ**

06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Qx235 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuyaiti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пўлатов Зарип Асламович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Торениязов Элмурат Шериниязович,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Саттаров Наврўз Рузиевич,

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта
илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й.ЎзПТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел.: (99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й.ЎзПТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел.: (99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» «_____» куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бўлаётган глобал иқлим ўзгаришлари натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда бир қанча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бугунги кунда дунё мамлакатларида бошоқли дон муҳум дон ва ем-хашак экини ҳисобланиб, йилига 230 млн. гектар майдонга экилади ва ўртача 28-30 центнердан жами 600 млн. тонна ҳосил етиштирилсада келажакда йилига 2-2,5 фоизгача ошириш талаб этилади. FAОнинг маълумотларида “Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарарли организмларнинг салбий таъсири натижасида кўрилаётган зарар ялпи маҳсулотнинг 5% ни ташкил қилиб, 1,4 триллион АҚШ долларига тенг деб баҳоланган”¹. Дунё аҳолисини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз қондириш мақсадида юқори агротехника асосида парвариш қилиш билан бир қаторда ғалла экинларига зарар етказувчи зарарли организмларга қарши кураш чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ғалла экинларида учрайдиган асосий зараркунандаларнинг тарқалиши, зарари, биоэкологияси ҳамда агротехник чора-тадбирларнинг зараркунандалар сонини камайтириши ва табиий кушандалар сонининг ошишидаги аҳамиятини аниқлаш, қарши кураш тизимида янги биологик ва кимёвий препаратларга агротоксикологик баҳо беришга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бошоқли дон етиштирувчи хўжаликлар томонидан 1 млн. гектардан ортиқ майдонга буғдой экилиб 8,1 млн. тонна ҳосил етиштирилган бўлсада, зарарли организмлар (зарарли хасва, ширалар, буғдой трипси, шилимшиққурт ва б.) таъсирида айрим ғалла майдонларидан олинадиган ҳосилнинг 25-30 фоизи нобуд бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси 30-мақсад: қишлоқ хўжалигига оид бандида “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш”² устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Бу ўринда бошоқли дон экинларининг маҳсулот сифатини оширишда хавфли зараркунандаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида” ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 мартдаги 115-сон “Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

¹ <https://www.fao.org/> 2016, [https://www.fao.org/news/story/en/item/1402920/icode/.Rome. 2022-2023 years](https://www.fao.org/news/story/en/item/1402920/icode/.Rome.2022-2023%20years)

² <https://lex.uz/docs/5841063>

технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошоқли дон экинларида зарарли хасва ва бошқа қандалаларнинг тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, морфологик белгилари, зарари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича етакчи олимлар: К.Е.Воронин, Б.Б.Родендорф, В.И.Румянцева, К.С.Аллабергена, Е.А.Вихрова, А.В.Капусткина, В.И.Долженко, Г.И.Сухорученко, М.Н.Шорохов, В.В.Нейморовец, В.И.Танский, К.Е.Воронин, Bruce Parker, Mustafa al-Bouhssini, M.Abdulhai, A.M.Amin, A.A.Al-Khafaji, P.Armstrong, C.Popov, H.Dizlek ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизда сўнги йилларда бошоқли дон экинларининг зараркунандаларини ўрганиш бўйича А.Хамраев, З.Пўлатов, Э.Хайитов, А.Ўразбаев, О.Амиркулов, Н.Сулаймонова, Г.Мусаева, Ш.А.Халиллаев ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, зарарли қандалаларнинг турлари, ареали, биоэкологик хусусиятлари, табиий энтомофаглариининг қандалалар миқдорини бошқаришдаги ўрни, хавфсиз ҳимоя чоралари тўлиқ ўрганилмаган. Бугунги кунда бошоқли дон экинларини зарарли қандалалардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, зарари ва табиий кушандаларининг аҳамиятини аниқлаш, янги ҳимоя воситаларини зарарли қандалаларга қарши курашда қўллашнинг муддат ва меъёрларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №6 «Қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли қандалалардан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Бошоқли дон экинларини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқишда қандалалар туркумига мансуб зараркунандаларнинг тур таркиби, доминант турларининг биоэкологик хусусиятлари, ареали, зарари ҳамда табиий кушандаларининг тур таркиби ва аҳамиятини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

бошоқли дон экинларида тарқалган зарарли қандалаларнинг тур таркибини аниқлаш;

бошоқли дон экинлари майдонларида тарқалган зарарли қандалаларнинг доминант турларини аниқлаш;

зарарли хасванинг тарқалиши, зарар келтириш даражаси ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш;

бошоқли дон экинларида зарарли қандалаларнинг табиий кушандалари тур таркибини аниқлаш;

табиий кушандаларнинг зарарли хасва миқдорини камайтиришдаги аҳамиятини ўрганиш;

бошоқли дон экинларида зарарли хасва ва йўлдош зараркунандаларига қарши ҳимоя тадбирларининг биологик самарадорлигини аниқлаш;

бошоқли дон экинларида зарарли хасвага қарши кураш чорасини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

бошоқли дон экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда қўлланилган тадбирларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Бошоқли дон экинларининг навлари, асосий зарар етказувчи қандалалар, уларнинг табиий энтомофаглари ва фойдали микроорганизмлари.

Тадқиқотнинг предмети. Бошоқли дон экинларини зарарли қандалалардан кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, уларни қўллаш ва самарадорлигини ҳамда табиий энтомофаглар ва фойдали микроорганизмларни аниқлаш усуллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар В.Б.Голуб ва б., В.И.Танский, С.П.Старостин, В.Т.Алехин, В.И.Танский ва б., В.И.Танский ва б., В.В.Нейморовец ва б. ва В.А.Павлюшин ва б. томонларидан ишлаб чиқилган умумэнтомологик ҳамда В.И.Долженко, В.Т.Алехин ва Ш.Т. Хўжаев таҳрири остида нашр этилган агротоксикологик услублар асосида бажарилган, кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги Abbot формуласи ёрдамида, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги В.И.Танский, А.К.Тулеева услублари асосида ҳисобланган, зарарли қандалаларнинг турлари И.Я.Поляков, Д.М.Полоскина, табиий энтомофагларнинг турлари К.Е.Воронин ва бошқалар, фойдали микроорганизмларнинг турлари Э.З.Коваль томонидан тузилган аниқлагичлар ёрдамида аниқланган, тадқиқот натижаларида олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг услубий қўлланмаси асосида математик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошоқли дон экинларида 4 турдаги зарарли қандалалар: зарарли хасва - *Eurygaster integriceps* Put., мавр қандаласи - *Eurygaster maura* L., найза бошли хасва - *Aelia acuminata* F. ва тоғ хасваси - *Dolyciris penicillatus* Horv. учраши қайд қилинган;

бошоқли дон экинлари майдонларида тарқалган зарарли қандалалар турлари ичида зарарли хасва *Eurygaster integriceps* Put. 88,8% учраши аниқланиб, доминант тур сифатида қайд қилинди. Буғдойнинг тулланиш фазасида 1м² да ўртача 2-3 та хасва бўлганда 39,4-42,4% гача ҳосил камайиши аниқланган;

зарарли хасванинг ареали, биоэкологик хусусиятлари, донли экинларда учраш даражаси ва буғдойга зарар етказиш даражаси ўрганилиб, Ўзбекистон иқлим шароитида битта авлоди ривожланиши, кишлаш жараёнида кузда 8,2-13,1%и ва баҳорда 14,1-28,2%и табиий равишда нобуд бўлиши аниқланган,

кишловга кетган зарарли хасваларнинг кузда (ноябр охири) ўртача 19,5-20,5%, эрта баҳор (март) да эса 30,0-35,5 % табиий касаллик кўзғатувчилар билан зарарлангани аниқланган;

зарарли хасва тухумларида паразитлик қилиб яшовчи тухумхўр-теленомуслар зараркунанданинг фаол тухум қўйиш даврида кўпайиб, табиий равишда 20-23% гача зарарлаши аниқланган;

Буғдой экинида зарарли хасвага қарши: В-гунсиё супер, 20% эм.к. - 0,075 л/га; Хебен эффект, 15% эм.к. - 0,5 л/га; Супер-Пауер 25% эм.к. - 0,25 л/га; Еспада, 35% сус.к. - 0,25 л/га; Comprodor, 35% эм.к. - 0,075 л/га; Хлорпиривит Агро, 55% эм.к. - 0,5 л/га; Неоклоприд, 35% сус.к. - 0,07 л/га; Имидаголд, 35%

эм.к. – 0,1-0,2 л/га; Урелл Д, 55% эм.к. - 0,5 л/га сарф меъёрида қўлланилганда биологик самарадорлик 82,8-97,2% гача самарадорликка эришилди;

Бугдой ҳосилини зарарли қандалалардан химоя тадбирлари натижасида 1 гектардан қўшимча сақлаб қолинган ҳосил ўртача 3,5-5,8 ц ни ташкил қилди. Химоя қилиш тадбирлари ўз вақтида ўтказиш натижасида сарфланган ҳар 1 сўмнинг оқланиши 4,6-8,2 мартани ташкил қилди ва рентабеллик даражаси 457,5-818,8% ни ташкил этди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошоқли дон экинларида зарарли хасванинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида қисқа муддатли башорати ишлаб чиқилиб, бошоқли дон экинларида зарарли хасвага қарши Айкидо супер, 10% эм.к. - 0,1 л/га; Акито, 10% эм.к. – 0,1 л/га; В-гунсиё супер, 20% эм.к. – 0,075 л/га; Хебен эффект, 15% эм.к. – 0,5 л/га; Карат Икс, 20% сус.к. – 0,075 л/га; Супер-Пауер 25% эм.к. – 0,25 л/га; Еспада, 35% сус.к. – 0,25 л/га; Comprodor, 35% эм.к. – 0,075 л/га; Хлорпиривит Агро, 55% эм.к. – 0,5 л/га; Неоклоприд, 35% сус.к. – 0,07 л/га; Пулсар, 5% эм.к. - 0,15 л/га; Циракс, 25% эм.к. - 0,2 л/га; Имидаголд, 35% эм.к. – 0,1 л/га; Урелл Д, 55% эм.к. - 0,5 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилган;

бошоқли дон экинларида зарарли хасва ва бошқа қандалаларга қарши кимёвий препаратлар ишлатилганда сақлаб қолинган қўшимча ҳосил 1 гектардан 3,5-7,8 ц, яъни 10,3-20,5% ни ташкил этган;

бугдойни зарарли хасвадан химоя қилиш тадбирлари учун сарфланган ҳар 1 сўм маблағ ўзини 4,6-8,2 мартагача қоплаши ҳамда ўсимликларни химоя қилиш бўйича рентабеллик даражаси 457,5-818,8% ни ташкил этган;

бошоқли дон экинларида қандалалар 100% майдонга тарқалганда ва уларнинг сони туплаш ва найчалаш фазасида ўртача 1 м²да 2-3 донага ҳамда бошоқлаш ва пишиш фазасида эса ўртача 1 м²да 8-10 донага етганда кимёвий усулда кураш чораларини ўтказиш тавсия қилинган;

бошоқли дон экинларини зарарли хасва ва бошқа қандалалардан химоя қилиш бўйича илмий асосланган химоя тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, тажриба натижаларини маҳалий ва хорижий давлатлар тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳисоботларнинг Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий қилинганлиги, шунингдек, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилаётган ҳудудлар учун қандалаларнинг биологияси ва экологиясига доир янги маълумотлар олинганлиги, илмий натижалар энтомология соҳасидаги назарий билимларни янада кенгайтириб, ғалла майдонларидаги зараркунандаларнинг тур таркиби, уларнинг энтомофаглар билан узвий боғлиқлигининг замонавий аҳволига баҳо бериб, ғалла агробиоценозини

бошқаришда инсон омилининг тутган ўрни белгилаб берилганлиги, зараркунандаларнинг сонини бошқаришда ғалла майдонларида энтомофаглар, микробиологик ва кимёвий препаратларни самарали ишлатиш регламенти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қандалаларга қарши курашда кам захарли инсектицидларнинг янги ассортиментини ишлаб чиқаришга тавсия этилганлиги, ушбу ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ғалла агробиоценозида зарарли қандалаларнинг миқдорини кескин камайтириши аниқланган бўлиб, диссертацияда келтирилган маълумотлар ўсимликларни ҳимоя қилиш амалиётида, шунингдек энтомология, қишлоқ хўжалик энтомологияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш фанларини ўқитишда фойдаланиш имкониятлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошоқли дон экинларини зарарли қандалалардан ҳимоя қилиш тизимини яратиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

“Бошоқли дон экинларини зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш бўйича тавсиянома” тасдиқланган. Ушбу тавсиянома ғаллачилик кластер ва фермер хўжаликларида зараркунанда ва касалликларга қарши курашда илмий-услубий қўлланма сифатида хизмат қилган.

Бошоқли дон экинларида учрайдиган сўрувчи зараркунандаларга қарши кураш тизими Тошкент вилояти ҚуйиЧирчиқ тумани “ТСТ агро кластер” ҳудудларидаги ғалла майдонларида, жумладан Беруний ҳудудида 82 гектар, Ўзбекистон ҳудудида 83 гектар ва Янги ҳаёт ҳудудида 95 гектар майдонларда, жами 260 гектарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 01.08.2024 йил №05/05-02-583-сон маълумотномаси). Натижада мавжуд сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши биологик самарадорлиги 91,0 – 99,9% га тенг бўлган. Ғалладан назорат вариантга нисбатан ҳар гектаридан 22,0-25,0 центнер кўп ва юқори сифатли ҳосил етиштирилган.

Зарарли қандалаларга қарши кураш усуллари Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Зафаробод ишончи” фермер хўжалигида 47 гектар, Тоштемир ота фермер хўжалигида 45 гектар ва Янги тонг фермер хўжалигида 55 гектар майдонларда, жами 147 гектарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 01.08.2024 йил №05/05-02-583-сон маълумотномаси). Натижада ғалла майдонларида мавжуд кемирувчи, сўрувчи ҳашаротлар ва бошқа зараркунандаларга қарши самарадорлиги 90,0-99,5% га тенг бўлган. Ғалладан назоратга нисбатан гектаридан 20,0-25,0 ц кўп ва юқори сифатли ҳосил етиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан кўриқдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация тадқиқоти натижалари 4 та, жумладан 2 та республика ва 2 та ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошоқли дон экинларига зарар етказувчи қандалалар ва уларга қарши кураш чоралари”** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга тааллуқли бўлган маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, расмий веб саҳифалар маълумотлари, кўплаб олимларнинг илмий иш натижалари ўрганиб чиқилган. Бунда ғалла қандалаларининг турлари, систематикаси, ареали, морфологик белгилари, биоэкологик хусусиятлари, ҳосилга зарар етказиш даражаси, бошоқли дон экинларини улардан ҳимоя қилиш муаммолари тўғрисида кўплаб маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Мавжуд маълумотларга таяниб диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар ўтказиш жойлари, материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқотлар ўтказиш ва олинган материалларни таҳлил қилиш услублари баён этилган. Бошоқли дон экинларига зарар етказадиган зарарли қандалаларнинг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши ҳимоя тизимини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни бажаришда Тошкент ва Жиззах вилоятларини 2020-2022 йиллардаги ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори ва нисбий намликлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** деб номланган 3-бобида бошоқли дон экинларида тарқалган зарарли қандалаларнинг тур таркибини аниқлаш устида ўтказилган кузатишларда 4 турдаги қандалалар: зарарли хасва - *Eurygaster integriceps* Put., мавр қандаласи - *Eurygaster maura* L., найза бошли хасва - *Aelia acuminata* F. ва тоғ хасваси - *Dolyciris penicillatus* Horv. учраб, буғдойга сезиларли зиён етказиши ҳамда улардан зарарли хасва ўртача 88,8 фоизни, мавр қандаласи - 7,2 фоизни, найза бошли хасва – 2,9 фоизни ва тоғ хасваси – 1,1 фоизни ташкил этиши аниқланган (1-жадвал).

Бошоқли дон экинларида учрайдиган зарарли қандалаларнинг турлари ва ареали

2008-2022 йй.

Хашорат номи	Оиласи	Латинча номи	Қандалалар орасида нуфузи* %	Худудлар бўйича тарқалиш даражаси		
				Кам**	Ўртача	Кўп
Зарарли хасва	Scutelleridae	Eurygaster integriceps Put.	88,8	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари	Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари
Мавр қандала	Scutelleridae	Eurygaster maura L.	7,2			
Найза бошли хасва	Pentatomidae	Aelia acuminata (L.)	2,9			
Тоғ хасваси	Pentatomidae	Dolyciris penicillatus Horv.	1,1			

Изоҳ: * 2008-2022 йиллар бўйича маълумотларнинг ўртачаси олинган.

** Мавсумда “кам” тарқалган худудларда зарарли хасванинг миқдори “иқтисодий зарар мезони”дан ошмайди, “ўртача” тарқалган худудларда айрим йиллари “иқтисодий зарар мезони”дан ошади, “кўп” тарқалган худудларда эса ҳар йили “иқтисодий зарар мезони”дан ошади ва ҳимоя тадбирлари ўтказиши талаб этилади.

Зарарли қандалаларнинг ушбу турлари 2008-2010 йиллардаги тадқиқотларда ҳам аниқланган бўлиб, кузги буғдойда зараркунанда сифатида айна даврда ҳам тарқалганлиги ва сезиларли зарар етказиши ўз тасдиғини топди.

Тадқиқот натижаларига кўра, зарарли қандалаларнинг вилоятлар бўйича тарқалиши 3 гуруҳга бўлинади: **биринчи гуруҳ** - кам тарқалган худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), **иккинчи гуруҳ** – ўртача тарқалган худудлар (Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), **учинчи гуруҳ** – кўп тарқалган худудлар (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари). Демак, бошоқли дон экинларида қандалаларнинг ареали табиий иқлим шароитига боғлиқ ҳолда турлича бўлади.

Зарарли қандалаларни дон экинларининг турли фазаларида зарар етказишини баҳолаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларда зарарли хасва буғдой ва арпада кўп миқдорда, шолида – ўртача ва бошқа ғалладош экинларда эса кам миқдорда, мавр қандаласи эса буғдойда кўп миқдорда, арпада – ўртача ва бошқа ғалладошларда кам миқдорда қайд этилди. Найза бошли хасва ва тоғ хасваси эса буғдой, арпа ва шоли каби экинларда ҳам зарар етказиши кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Дон экинларида зарарли қандалаларнинг учраш даражаси

ЎҚҲИТИ, 2008-2022 й.

	Экинлар тури
--	--------------

№	Зараркунанда-лар номи	Буғдой	арпа	Макка-жўхори	Оқжў-хори	сули	шоли	жавдар
1	Зарарли хасва	+++	+++	-	-	+	++	+
2	Мавр қандаласи	+++	++	-	-	+	+	+
3	Найза бошли хасва	+	+	-	-	+	+	+
4	Тоғ хасваси	+	+	-	-	+	++	+

Шартли белгилар: - учрамайди; + кам; ++ ўртача; +++ кўп сонда учрайди.

Ғалла экинларида учрайдиган қандалалардан зарарли хасва *Eurygaster integriceps* Put. доминант тур сифатида кенг тарқалган. У барча ғалладошлар оиласига мансуб экинларда жиддий зарар етказди.

Зарарли хасванинг кўпайиши ва тарқалишини олдиндан аниқлаш учун унинг қишлоқ жойларида куз (ноябр) ва эрта баҳорда (март) кузатув ва назорат ишлари олиб борилди.

Зарарли хасвалар қишлоқ жойларида кузда 8,2-13,1%и ва баҳорда 14,1-28,2%и табиий равишда қирилиб, жинслар нисбати (урғочи ♀ : эркак ♂) кузда 1 : 1 ва баҳорда эса 1 : 0,8 ни ташкил қилди (3-жадвал).

Хулоса шуки, кузда тирик хасвалар миқдори ўртача 90,1% ни, эрта баҳорги кузатувларда ўртача 87,4% ни ташкил қилди. Жинслар нисбати таҳлил қилинганда эса баҳорда эркак жинслар камайиши кузатилди.

3-жадвал

Зарарли хасванинг қишлоқ жойларидаги миқдори

Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани, “ТСТ agro cluster” МЧЖ.

Йиллар	Жами хасва		Шу жумладан				урғочи ♀ : эркак ♂ нисбати
			тирик		жонсиз		
	дона/м.кв	%	дона/м.кв	%	дона/м.кв	%	
Куз (ноябр)							
2020	20,3	100	18,6	91,6	1,7	8,4	1:1
2021	17,6	100	15,3	86,9	2,3	13,1	
2022	26,7	100	24,5	91,8	2,2	8,2	
Ўртача	21,5	100	19,5	90,1	2	9,9	
Баҳор (март)							
2021	19,1	100	16,4	85,9	2,7	14,1	1:0,8
2022	18,2	100	15,5	85,2	2,7	14,8	
2023	22,5	100	16,1	71,6	6,4	28,4	
Ўртача	19,9	100	17,3	87,4	3,9	12,6	

Қандалаларнинг қисқа муддатли башоратини ишлаб чиқиш мақсадида икки марта: **биринчиси** – зарарли хасванинг қишлоқдан чиқиб ғаллазорларга ёпирилган даврида ва **иккинчиси** – ғалла ҳосилининг пишган даврида кузатув-ҳисоб ишлари ўтказилди.

Қишлоқдан чиққан етук хасвалар миқдорини аниқлаш учун буғдойнинг найчалаш фазасида кузатувлар олиб борилганда қишлоқдан чиққан хасваларнинг 1м² даги ўртача миқдори 2,5-4,1 донани, урғочи ва эркагининг (♀ : ♂) нисбати эса 1 : 0,8 ни ташкил қилди (4-жадвал).

**Қишловдан чиққан ва янги авлод зарарли хасванинг буғдой даласида
ривожланиши**


Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани, “ТСТ agro cluster” МЧЖ.

Йиллар	қишловдан чиққан етук хасвалар (найчалош фазасида)		янги авлод зарарли хасва миқдори (мум пишиш фазасида)						урғочи♀ : эркак♂ нисбати
			жами		шу жумладан				
	дона/ м.кв	♀ : ♂ нисбати	дона/ м.кв	%	дона/ м.кв	%	дона/ м.кв	%	
2020	2,5	1:0,8	13,1	100	10,8	82,9	2,3	17,1	1:1
2021	3,7		15,2	100	12,8	84,3	2,4	15,7	
2022	4,1		16,4	100	14,2	86,4	2,2	13,6	
Ўртача	3,4		14,9	100	12,6	84,6	2,3	15,4	

Худди шу ғаллазорларда буғдойнинг мум пишиш фазасида (буғдой ўрими-йғим даврида) етук хасвалар миқдори 82,9-86,4% ёки ўртача 84,6%ни, IV ва V ёш личинкалар эса 13,6-17,1% ёки ўртача 15,4%ни ташкил қилди. Ҳосилнинг шу даврда йиғиб олиниши натижасида зарарли хасванинг ўртача 15,4 фоизи тўйиб озикланмаслиги оқибатида қиш мавсумида қирилиб кетади.

Зарарли хасванинг биологик ривожланишини ўрганиш мақсадида Тошкент вилоятининг Қибрай (тоғли худудга яқин қир-адир) ва Қуйи Чирчиқ (текис водий) туманларида кузатувлар олиб борилганда, тоғли худудларга яқин қир-адирли паст-текисликларда жойлашган ғаллазорларда зарарли хасванинг ривожланиш кўрсаткичлари текис худудлардаги ғаллазорларга нисбатан 7-10 кунга кечроқ ўтиши аниқланди.

Тадқиқотларда буғдойнинг тупланиш ва найчалош фазасида 1 м² да 2 ва 3 дона, бошоқлаш ва сут пишиш фазасида эса ҳар 1 м² га 7, 8 ва 10 донадан зарарли хасва билан зарарланганда йўқотилган ҳосил миқдори ўрганилди. Буғдойда ўртача йўқотилган ҳосил миқдори 1м² да ўртача 2 ва 3 дона зарарли хасванинг етук зотлари билан зарарланганда ҳар 1 гектардан: буғдойнинг тупланиш фазасида (март ойида) – 38,2-41,4% гача, найчалош фазасида зарарланганда эса 30,8-33,0% гача ҳамда 1м² да ўртача 7; 8 ва 10 дона зарарли хасванинг янги авлод личинкалари билан зарарланганда эса 1 гектардан: буғдойнинг бошоқлаш фазасида 16,0-21,4% гача, сут пишиш фазасида зарарланганда эса 4,3-11,7% гачани ташкил этди (1-расм).



1-расм. Буғдойнинг турли ривожланиш фазаларида зарарли хасва билан зарарлаганда ҳосилдорликни назоратга нисбатан камайиши, % (ЎКҲИТИ тажриба майдони)

Бундан кўриниб турибдики, буғдой зарарли хасва билан сут пишиш фазасида зарарланганда ҳам олинадиган ҳосил миқдори сезиларли камайд. Хулоса қилиб айтганда, бошоқли дон экинлари зарарли қандалалар билан қанчалик эрта зарарланса ва улар сони қанчалик зич бўлса ҳосил шунчалик кўп йўқотилади.

Буғдойда зарарли хасванинг фаол табиий кушандаларидан қуйидагилар қайд қилинди: теленоминлар – *Telenomus chloropus* Thoms., *Telenomus sokolovi* Mayr., *Trissolcus grandis* Thoms., *Trissolcus simony* Mayr., *Trissolcus viktorovi* Kozl.; фазия пашшалари: *Alophora (Phasia) subcoleoprata* L., *Helomyia lateralis* Meig., *Phasia crassipennis* F., *Clytiomyia hulluo* F.

Буғдойда зарарли хасва тухум қўйишга киришган даврда хасва тухумлари йиғиб келинди ва паразитлар томонидан зарарланиш даражаси таҳлил қилинди.

Олинган натижаларга кўра, зарарли хасванинг тухумларида паразитлик қилиб яшовчи тухумхўр-теленомуслар зараркунанданинг фаол тухум қўйиш даврида кўпайиб, ўртача 20-23% гача хасва тухумларини табиий равишда зарарлаши аниқланди.


Тошкент вилояти Пскент ва Қуйи Чирчиқ, Жиззах вилояти Ғаллаорол ва Бухори вилоятининг Ғиждувон туманларида зарарли хасванинг қишлаш жойларидан биоматериаллар йиғиб келиниб, қишлоғга кетган зарарли хасваларнинг кузда (ноябр охири) ўртача 19,5-20,5 фоизи, эрта баҳор (март) да эса 30,0-35,5 фоизи табиий касаллик кўзғатувчилар билан зарарланганлиги аниқланди (5-жадвал).

Тадқиқотлар давомида ажратилган штаммлар (*Beauveria bassiana*, *Aspergillus*, *Paecilomyces*, *Penicillium* ва бошқа) замбуруғ авлодларига мансублиги аниқланди. Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани “ТСТ Agro cluster” МЧЖ ҳамда Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги “Зафаробод ишончи”, “Тоштемир ота” ва “Янги тонг” фермер хўжалиklarининг буғдой майдонларида зарарли хасвага қарши кимёвий воситаларни синаш бўйича ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилди.


**Зарарли хасванинг қишлаш жойларида табиий касаллик
қўзғатувчилар билан зарарланиш даражаси (ЎКҲИТИ, 2007-2022 й).**

Материал йиғилган жой	Йиғилган вақти	Жами йиғилган ҳашарот, нусха	Зарарланган ҳашаротлар миқдори, %			
			жами	шу жумладан		
				Замбуруғ касаллиги- дан	Бактерияли касаллик- лардан	Паразитл ардан
Тошкент, Пскент т.	Ноябр, 2007 Феврал, 2008	930 860	20,4 30,5	13,3 17,6	2,7 5,4	4,4 7,5
Жиззах, Ғаллаорол	Ноябр, 2007 Феврал, 2008	850 700	19,8 35,1	12,2 21,3	2,3 5,6	5,3 8,2
Бухоро, Ғиждувон	Ноябр, 2007 Феврал, 2008	900 800	17,8 38,5	11,1 26,2	1,9 4,7	4,8 7,6
Жами: 5040			Ўрт.= 27,0	Ўрт.=17,0	Ўрт.=3,8	Ўрт.=6,3
Тошкент, Қуйи Чирчиқ	Ноябр, 2021 Март, 2022	925 855	20,5 30,0	13,5 17,5	2,5 5,5	4,5 7,5
Жиззах, Ғаллаорол	Ноябр, 2021 Март, 2022	847 703	19,5 35,3	12,5 21,5	2,4 5,5	5,5 8,2
Жами: 3330			Ўрт.= 26,7	Ўрт.=16,3	Ўрт.=4,0	Ўрт.=6,4

Тадқиқот натижаларига кўра, бошоқли дон экинларида зарарли хасвага қарши Айкидо супер, 10% эм.к. - 0,1 л/га; Акито, 10% эм.к. – 0,1 л/га; В-гунсиё супер, 20% эм.к. – 0,075 л/га; Хебен эффект, 15% эм.к. – 0,5 л/га; Карат Икс, 20% сус.к. – 0,075 л/га; Супер-Пауер 25% эм.к. – 0,25 л/га; Еспада, 35% сус.к. – 0,25 л/га; Comprodor, 35% эм.к. – 0,075 л/га; Хлорпиривит Агро, 55% эм.к. – 0,5 л/га; Неоклоприд, 35% сус.к. – 0,07 л/га; Пулсар, 5% эм.к. - 0,15 л/га; Циракс, 25% эм.к. - 0,2 л/га; Имидаголд, 35% эм.к. – 0,1 л/га; Урелл-Д, 55% эм.к. - 0,5 л/га сарф меъёрида пуркалганда юқори биологик самара берувчи кимёвий восита эканлиги аниқланди (2-3-расмлар).



2-расм. Тошкент вилояти шароитида инсектицидларнинг бугдойдаги зарарли хасвага қарши биологик самарадорлиги, %



3-расм. Жиззах вилояти шароитида инсектицидларнинг буғдойдаги зарарли хасвага қарши биологик самарадорлиги, %

Бошоқли дон экинларини зарарли хасвадан ҳимоя қилиш тадбирларининг хўжалик самарадорлигини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш тажрибаларининг натижаларига кўра, зарарли хасва ва бошқа қандалаларга қарши кимёвий препаратлар ишлатилганда сақлаб қолинган ҳосил 1 гектардан ўртача 3,5-7,8 ц, яъни 10,3-20,5% ни ташкил этди (6-жадвал).

Буғдой майдонларида ўтказилган ҳимоя тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган маълумотларга кўра, тажриба вариантларида ўртача ҳосилдорлик 1 гектардан 37,5-45,8 ц ни, ҳимоя тадбирлари натижасида 1 гектардан сақлаб қолинган ўртача ҳосил эса 3,5-7,8 ц ни ташкил қилди. Ҳимоя тадбирлари учун сарфланган жами харажат 1 гектарга ўртача 172100 - 237700 сўмни, назорат вариантга нисбатан олинган фойда эса 1 гектардан ўртача 1063636-1946300 сўмни ташкил этди (7-жадвал).

Ҳимоя тадбирлари учун сарфланган ҳар 1 сўм маблағ ўзини 4,6-8,2 мартагача оқлаши ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича рентабеллик даражаси 457,5-818,8% ни ташкил этди.

Бошоқли дон экинларини зарарли хасадан химоя қилиш воситаларининг ҳужалик самарадорлиги

Препаратлар номи ва таъсир этувчи моддаси	Сарф меъёри, л/га	Ҳосилдорлик йиллар бўйича, ц/га										Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Назоратга нисбаган ўрғача сақлаб қолинган ҳосил		
		2020		2021		2022		ца/га	%						
		жами олинган ҳосил	сақлаб қолинган ҳосил	жами олинган ҳосил	сақлаб қолинган ҳосил	жами олинган ҳосил	сақлаб қолинган ҳосил								
Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани, "ТСТ агро кластер" МЧЖ															
Айкидо супер, 10% эм.к.	0,1	41,5	7,1	42,8	4,2	46,2	5,2	43,5	5,5	14,5					
Акито, 10% эм.к.	0,1	43,9	9,5	44,2	5,6	49,3	8,3	45,8	7,8	20,5					
В-гунсиё супер, 20% эм.к.	0,075	41,8	7,4	41,7	3,1	46,1	5,1	43,2	5,2	13,7					
Хебен эффект, 15% эм.к.	0,5	41,2	6,8	44,3	5,7	47,4	6,4	44,3	6,3	16,6					
Қарат Икс 20% сус.к.	0,0375	39,8	5,4	40,7	2,1	46,7	5,7	42,4	4,4	11,6					
Титан, 10% эм.к. (андоза)	0,07	42,7	8,3	44,8	6,2	48,1	7,1	45,2	7,2	18,9					
Назорат (шилловсиз)	-	34,4	-	38,6	-	41,0	-	38,0	-	-					
Жиззах вилояти Зафаробод тумани, Собир Рахимов хуудди															
Супер-Пауер 25% эм.к.	0,25	36,7	2,9	37,3	4,1	40,6	5,6	38,2	4,2	12,4					
Еспада, 3,5% сус.к.	0,25	35,4	1,6	37,4	4,2	39,7	4,7	37,5	3,5	10,3					
Сотпродог, 35% сус.к.	0,075	37,8	4,0	36,1	2,9	38,9	3,9	37,6	3,6	10,6					
Хлорпиривит Агро, 55% эм.к.	0,5	42,4	8,6	36,7	3,5	40,3	5,3	39,8	5,8	17,1					
Неоклопрд, 35% сус.к.	0,07	37,8	4,0	37,2	4,0	40,2	5,2	38,4	4,4	12,9					
БИ-58 янги, 40 % к.э. (андоза)	1,5	36,4	2,6	38,3	5,1	41,4	6,4	38,7	4,7	13,8					
Назорат (шилловсиз)	-	33,8	-	33,2	-	35,0	-	34,0	-	-					

Бугдойда ғалла қандадаларига қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг иқтисодий самарадорлиги
2023 й.

Кўрсаткичлар	Тошкент вил. Қўйи Чирчиқ тумани, «ТСТ агро кластер» МЧЖ										Жиззах вилояти Зафаробод тумани, Собир Рахимов ҳудуди				
	Айқидо супер, 10% эм.к. эм.к.	Ақно, 10% эм.к.	В-гунсиё супер, 20% эм.к.	Хебен эффект, 15% эм.к.	Қарат Икс, 20% сус.к.	Тиган, 10% эм.к. (андоза)	Назорат (ишлов-сиз)	Супер-Пауер, 25% эм.к.	Еспада, 35% сус.к.	Сопр-горт, 35% сус.к.	Хлорпирри-Неоклоп-виг Агро, 55% эм.к.	Бир-58 яни, 40% эм.к. (андоза)	Назорат (ишлов-сиз)		
Препаратнинг сарф меъёри, л/га	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0375	0,07	0,25	0,25	0,075	0,5	0,1	1,5			
Ҳосилдорлик, ц/га	43,5	45,8	43,2	44,3	42,4	45,2	38,2	37,5	37,6	39,8	38,4	38,7			
Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га	5,5	7,8	5,2	6,3	4,4	7,2	4,2	3,5	3,6	5,8	4,4	4,7			
1 л ёки кг препарат баҳоси, минг сўм	116	145	154	166,4	169,7	175	137	285	332	120	260	90			
1 га кетган препарат баҳоси, минг сўм	11,6	14,5	15,4	16,64	12,7	12,3	13,7	28,5	33,2	12	26	135			
Ишлов беришга кетган харажат, минг сўм/га	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8	82,8			
Сақлаб қолинган ҳосилни йиғиш ва ташишга кетган харажат, минг сўм/га	99	140,4	93,6	113,4	79,2	129,6	75,6	63	64,8	104,4	79,2	84,6			
Ҳимоя тадбири учун сарфланган жами харажат, минг сўм/га	193,4	237,7	191,8	212,8	174,7	224,7	172,1	174,3	180,8	199,2	188	302,4			
Экинни етиштириш учун сарфланган харажат, минг сўм/га	9489,6	9490	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6	9489,6			
Жами харажатлар, минг сўм	9683	9727	9681,4	9702,4	9664,3	9714,3	9661,7	9663,9	9670,4	9688,8	9677,6	9792			
1 гектардан олинган ҳосил нархи, минг сўм	12180	12824	12096	12404	11872	12656	10640	10500	10528	11144	10752	10836			
1 гектардан олинган соф фойда, минг сўм	2497	3097	2414,6	2701,6	2207,7	2941,7	1034,3	836,1	857,6	1455,2	1074,4	1044			
Назоратга нисбатан олинган фойда, минг сўм/га	1346,6	1946	1264,2	1551,2	1057,3	1791,4	1003,9	805,7	827,2	1424,8	1044	1013,6			
Ўсимликларни химоя қилишга сарфланган харажатнинг ўзини оқлаши, марта	7,0	8,2	6,6	7,3	6,1	8,0	5,8	4,6	4,6	7,2	5,6	3,4			
Ўсимликларни химоя қилиш бўйича Рентабеллик, %	696,3	818,8	659,1	728,8	605,1	797,4	583,3	462,2	457,5	715,3	555,3	335,2			

*Эслатма: 2023 йилда 1 т бугдойнинг давлат харид нархи 2.800.000 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Бошокли дон экинларида 4 турдаги зарарли қандалалар: зарарли хасва - *Eurygaster integriceps* Put. (88,8%), мавр қандаласи - *Eurygaster maura* L. (7,2%), найза бошли хасва - *Aelia acuminata* F. (2,9%) ва тоғ хасваси - *Dolyciris penicillatus* Horv. (1,1%) учраб, ҳосилга сезиларли зиён етказди.

2. Зарарли хасванинг қишлаш жараёнида кузда 8,2-13,1%и ва баҳорда 14,1-28,2%и табиий равишда қирилиб, жинслар нисбати (урғочи ♀ : эркек ♂) кузда 1 : 1 ва баҳорда эса 1:0,8 ни ташкил қилади.

3. Буғдой ўрим-йиғими даврида етук хасвалар миқдори 82,9-86,4% ёки ўртача 84,6% ни, IV ва V ёш личинкалар эса 13,6-17,1% ёки ўртача 15,4%ни ташкил қилди. Ҳосилнинг шу даврда йиғиб олиниши натижасида зарарли хасванинг ўртача 15,4 фоизи тўйиб озикланмаслиги оқибатида қиш мавсумида қирилиб кетади.

4. Тоғли худудларга яқин қир-адирли паст-текисликларда жойлашган ғаллазорларда зарарли хасванинг ривожланиш кўрсаткичлари текис худудлардаги ғаллазорларга нисбатан 7-10 кунга кечроқ ўтади.

5. Буғдойда йўқотилган ҳосил миқдори 1 м² да ўртача 2 ва 3 дона зарарли хасванинг етук зотлари билан зарарланганда ҳар 1 гектардан: буғдойнинг тупланиш фазасида (март ойида) – 38,2-41,4% гача, найчалош фазасида зарарланганда эса 30,8-33,0% гача ҳамда 1 м² да ўртача 7; 8 ва 10 дона зарарли хасванинг янги авлод личинкалари билан зарарланганда эса 1 гектардан: буғдойнинг бошоқлаш фазасида 16,0-21,4% гача, сут пишиш фазасида зарарланганда эса 4,3-11,7% гачани ташкил этди.

6. Зарарли хасванинг тухумларида паразитлик қилиб яшовчи тухумхўр-теленормуслар зараркунанданинг фаол тухум қўйиш даврида кўпайиб, табиий равишда 20-23% гача хасва тухумларини зарарлайди.

7. Қишлоғга кетган зарарли хасваларнинг кузда (ноябр охири) ўртача 19,5-20,5 фоизи, эрта баҳор (март) да эса 30,0-35,5 фоизи табиий касаллик қўзғатувчилар билан зарарланади.

8. Бошокли дон экинларида зарарли хасвага қарши: Айкидо супер, 10% эм.к. - 0,1 л/га; Акито, 10% эм.к. – 0,1 л/га; В-гунсиё супер, 20% эм.к. – 0,075 л/га; Хебен эффект, 15% эм.к. – 0,5 л/га; Карат Икс, 20% сус.к. – 0,075 л/га; Супер-Пауер 25% эм.к. – 0,25 л/га; Еспада, 35% сус.к. – 0,25 л/га; Comprodor, 35% эм.к. – 0,075 л/га; Хлорпиривит Агро, 55% эм.к. – 0,5 л/га; Неоклоприд, 35% сус.к. – 0,07 л/га; Пулсар, 5% эм.к. - 0,15 л/га; Циракс, 25% эм.к. - 0,2 л/га; Имидаголд, 35% эм.к. – 0,1 л/га; Урелл Д, 55% эм.к. - 0,5 л/га сарф меъёрда юқори биологик самара бериб, ишлаб чиқаришда қўллашга тавсия этилади.

9. Бошокли дон экинларида зарарли хасва ва бошқа қандалаларга қарши кимёвий препаратлар қўллаш натижасида сақлаб қолинган ҳосил 1 гектардан ўртача 3,5-7,8 ц/га ни ташкил этди. Бунда ҳимоя қилиш тадбирлари учун сарфланган ҳар 1 сўм ўзини оқлаши 4,6-8,2 мартагача бўлиб ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича рентабеллик даражаси 457,5-818,8% ни ташкил этади.

10. Бошоқли дон экинларида зарарли қандалалар майдонга тарқалганда ва уларнинг сони туплаш ва найчалаш фазасида ўртача 1 м² да 2-3 донага ҳамда бошоқлаш ва пишиш фазасида эса ўртача 1м² да 8-10 донага етганда кимёвий усулда ҳимоя чораларини бошлаш тавсия қилинади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАНТИНА И
ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ**

БЕКЧАНОВ ЗАКИРЖОН БОТИРОВИЧ

**МЕРЫ ЗАЩИТЫ ЗЕРНО-КОЛОСОВЫХ КУЛЬТУР ОТ ВРЕДНОЙ
ЧЕРЕПАШКИ ВХОДЯЩИЙ В СОСТАВ ОТРЯДА КЛОПОВ**

06.01.09-Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2017.4.PhD/Qx235.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте карантина и защиты растений.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на сайте научного совета (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Пулатов Зарип Асламович

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Торениязов Эльмурат Шериниязович,

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Саттаров Навруз Рузиевич,

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится _____ 2025 года в ____ часов на заседании разового Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42. при научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.: (99878) 150-62-84; факс: (99878) 150-61-37; e-mail: пахта.uz@mail.ru.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована №__) Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.: (99878) 150-62-84; e-mail: пахта.uz@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки номер _____ от « ____ » _____ 2025 года).

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате глобальных изменений климата в мире, возникают ряд трудностей при выращивании сельскохозяйственной продукции. На сегодняшний день в странах мира зерно-колосовые культуры считаются важной зерновой и кормовой культурой, ежегодно выращивается на площади 230 млн. гектар и выращиваются в среднем 28-30 ц/га, и хотя всего 600 млн т зерно получают в год, но в дальнейшем требуется увеличение на 2-2,5% в год. По данным ФАО, «Ущерб, причиненный негативным воздействием вредных организмов на сельскохозяйственную продукцию в странах мира, составляет 5% валового продукта и оценивается в 1,4 триллиона долларов США³». Для постоянного удовлетворения потребностей населения мира в зерне и зернопродуктах наряду с уходом, основанной на высокой агротехнике важно осуществлять своевременные меры борьбы с вредными организмами, повреждающими зерновые культуры.

В мире важное значение имеют научные исследования, направленные на оценку агротоксикологии химических и новых биологических препаратов в системе защиты растений, для определения значений увеличения природных этомофагов и агротехнических мер по уменьшению вредоносных вредителей, а также биоэкологию, вредоносности и распространения основных вредителей встречающихся на посевах зерновых культур.

Хотя, зерновыми хозяйствами Узбекистана, пшеница засеяно на площади более 1 млн га и получено 8,1 млн тонн зерна, недобор урожая в отдельных зерновых площадях под воздействием вредных организмов (вредная черепашка, тля, пшеничный трипс, слизистый червь и др.) теряются до 25-30% урожая. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы: в разделе сельское хозяйство, приоритетной задачей является «повышение доходов фермеров не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, а также приведения ежегодный рост сельского хозяйства не менее чем на 5%»⁴. На данном этапе актуальной является разработка мероприятий по борьбе с опасными вредителями с целью повышения качества зерновых культур.

Настоящая диссертационная работа служит в определенной степени в реализации задач, намеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-158 от 11 сентября 2023 года «О Стратегии Узбекистана – 2030» и Кабинета Министров от 6 марта 2024 года № -115 «Об утверждении Положения о порядке проведения испытаний и регистрации химических средств и средств защиты растений» и других нормативных правовых документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования проводились

³ <https://www.fao.org/> 2016, [https://www.fao.org/news/story/en/item/1402920/icode/.Rome.2022-2023 years](https://www.fao.org/news/story/en/item/1402920/icode/.Rome.2022-2023%20years)

⁴ <https://lex.uz/docs/5841063>

в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

